

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ЗАКИРХОДЖАЕВ РУСТАМ АСРАЛОВИЧ

**КЎРУВ НЕРВИ ТУҒМА НУҚСОНЛАРИНИНГ ТАШҲИСИ ВА
ДАВОЛАШГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Закирходжаев Рустам Асралович

Кўрув нерви туғма нуқсонларининг ташҳиси ва
даволашга тизимли ёндашув 3

Закирходжаев Рустам Асралович

Системный подход к диагностике и лечению
врождённой патологии зрительного нерва 29

Zakirhodjayev Rustam Asralovich

A systematic approach to the diagnosis and treatment
of congenital pathology of the optic nerve 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 58

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ЗАКИРХОДЖАЕВ РУСТАМ АСРАЛОВИЧ

**КЎРУВ НЕРВИ ТУҒМА НУҚСОНЛАРИНИНГ ТАШХИСИ ВА
ДАВОЛАШГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib54 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида www.tdsi.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Камилов Халиджан Махамаджанович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Sun Young Jang (Жанубий Корея)**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Бузруков Ботир Тулкунович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Маджидова Яқутхон Набиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **РФ ССВ «Академик С.Н. Федоров номидаги «Кўз микрохирургияси» ТИТК» МТТМ» (Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103 уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103-уй. Тел.: (+99871) 230-20-65.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А. Ризаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

Л.Э. Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.С. Касимова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда кўрув нерви дискининг туғма нуқсонлари (КНДТН) 5-8% ҳолатларда учрайдиган кўриш қобилиятининг пасайиши ва кўзи ожизликнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади¹. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг маълумотларига кўра, кўрув нерви дискининг туғма нуқсонлари Швецияда 19 ёшгача бўлган 100000 аҳолининг тахминан 7 тасини, ирсий ўзгаришлар 50% ҳолатда кўрликнинг ривожланишига олиб келиши, қолган ҳолатларда эса мальформация этиологияси номаълум эканлиги исботланган². Бола туғилгандан кейинги дастлабки ойларда кўрув нервидаги турли туғма нуқсонларни аниқлаш ва тўғри верификациялаш уларни нафақат ўз вақтида офтальмологик реабилитация қилиш, балки генетик маслаҳат бериш ва гўдакларда кўрув нерви мальформацияси билан асоциирланган тизимли касалликларни эрта ташҳислаш учун ўта муҳим долзарб муамолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда кўрув нерви туғма нуқсонларининг ташҳиси ва даволашга тизимли ёндашувнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан, кўрув нерви туғма нуқсонларнинг келиб чиқишига таъсир қилувчи патогенетик механизмларнинг сабабларни асослаш; ҳомиладорлик даврида она организмида кечадиган қатор юқумли ва вирусли касалликларнинг олдини олиш механизмларини ишлаб чиқиш; ҳомила кўриш аъзосининг ривожланиши издан чиқишига таъсир кўрсатадиган антибиотиклардан фойдаланмасликнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқиш; болаларда кўрув нерви диски нуқсонларининг пайдо бўлишига таъсир қилувчи хавф омилларини тизимлаштириш тартибини ишлаб чиқиш; кўрув нерв диски туғма нуқсонларининг клиник-функционал хусусиятларини асослаш; оптик когерент томография текширув усули асосида кўрув нервининг туғма нуқсонларини ташҳислаш тартибини ишлаб чиқиш; электрофизиологик тадқиқот усулларининг касалликни ташҳислашда тутган ўрнини исботлаш; кўрув нерви дискининг туғма нуқсонларида офтальмогемодинамик ўзгаришларни ташҳислаш мезонларини ишлаб чиқиш; касалликни ташҳислашда морфометрик кўрсаткичлар ўрнини асослаш; кўрув нерви туғма нуқсонларини ташҳислашнинг патогенетик алгоритминини ишлаб чиқиш; функционал ва нейрофизиологик кўрсаткичлар асосида нерв тўқимасини тиклашда нейроҳимояловчи терапиянинг таъсирини исботлаш; касалликни олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларнинг механизмини ишлаб чиқиш; касалликнинг асоратларни камайтириш ва бартараф этишнинг замонавий усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари орасида қатор юқумли ва соматик касалликларни эрта ташҳислаш ва асоратларини

¹ Hollander D.A., 2005; Мосина И.М., Мишустина В. В., 2009, Waheed K., 2015

² ЖССТ маълумотлари 2014 йил

камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш борасида белгиланган муҳим вазифалар, жумладан, турли касалликларни ташхислаш ва самарали даволашга тизимли ёндашиш орқали даволашнинг юқори самарадорлигини таъминлаш, касалликларнинг олдини олиш, ташхислаш, самарали даволашда замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий хизмат тизимини шакллантириш борасида қатор вазифалар белгиланиб, бу вазифалар ечимининг механизмлари ишлаб чиқилмоқда “...оналар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини ошириш янги туғилган чақалоқларга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш, туғма нуқсонлар профилактикаси ва самарали даволаш тизимини яратиш асосида ногиронликни камайтириш ва кўрликнинг олдини олишда ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни ташкиллаштириш”, шунингдек, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш орқали аҳолининг турли қатламлари орасида ҳаёт сифатини сезиларли яхшиланишида муайян аҳамият касб этади³.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 25 апрелдаги «Соғлом она ва бола» йили Давлат дастури ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴.

Кўрув нерви дискининг туғма нуқсонларини эрта ташхислаш ва даволашга тизимли ёндашувлар механизмларни татбиқ қилишга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг бир қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Texas Medical Branch (АҚШ), Jan and Dan Duncan Neurological Research Institute (АҚШ), New York University (АҚШ), University of Pennsylvania (АҚШ), University of Washington School of Medicine (АҚШ), University of Cincinnati (АҚШ), University of Waterloo (Канада), University Hospitals of Leuven (Бельгия);

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони

⁴Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.uc.edu, www.medicine.iu.edu, www.miyazaki-u.ac.jp, www.uwaterloo.ca, www.gbiomed.kuleuven.be, www.utmb.edu, www.duncannri.org, www.nyu.edu, www.upenn.edu, www.uwmedicine.org ва бошқа манбалар асосида бажарилди.

Indiana University School of Medicine (Ҳиндистон); University of Miyazaki (Япония), University Taranti (Италия), University Naif (Саудия Арабистони), University Gazi (Туркия), University Monash (Австралия), University Kelaniy (Шри Ланка), University Forenj (Голландия); “Кўз микрохирургияси” тармоқлараро илмий техник комплекси (Россия) ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Кўрув нерви дискининг туғма нуқсонларини эрта ташҳислаш ва даволашга тизимли ёндашувларни оптималлаштиришни илмий асослашга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: туғма ва орттирилган катаракталар, олдинги камерада жойлаштирилган линзалар, тўр парда, шох парда ва кўрув нервларининг ҳолати, пигментли ретинит, оқимтир-қизил доғлар ва кўрув нервларининг атрофиясига олиб келиши исботланган (University of Cincinnati, АҚШ); глаукомани ташҳислаш тизими ва ривожланишини башоратлаш модели КИБ, ССТ, VCD ва PSD натижалари асосида яратилган (University Oxford, Буюк Британия); кўрув нерви ва тўр парданинг ирсий дегенерациясига аденовирус билан ассоцирланган вирус (AAV)лар ген терапиясининг ўрни исботланган (Indiana University School of Medicine, Ҳиндистон); туғма марказий гипотиреоз билан кечувчи септооптик дисплазиянинг кўрув нерви атрофиясига олиб келиши асосланган (University of Miyazaki, Япония); кўрув нервнинг гипоплазиясида N95 сигналларининг фаол қийматини электрон электроретинограмма (PERG)си натижалари асосида (University of Waterloo, Канада) болаларда кўрув нервнинг гипоплазияси кўриш фаолиятининг пасайиши ва кўрликка олиб келиши исботланган (University of Washington, АҚШ); глаукомада трабекулэктомиядан аввал гониоскопик усулдан фойдаланиш натижасида кўз ички босими ошишининг олдини олиш ва жарроҳлик амалиёти самарадорлигини оширган (Yokohama City University, Япония, University Miami, АҚШ); очик бурчакли ювенил глаукомадаги оптик нейропатия катта ёшдагилардаги очик бурчакли глаукомага нейропатиялардан кескин фарқ қилиши исботланган (Indiana University School of Medicine, Ҳиндистон); КНДТНнинг клиник-анатомик ва функционал хусусиятлари, кўрув нерви гипоплазиясининг ирсий сабаблари, хромосома патологияларининг кўрув нерви фаолиятининг пасайиши ва туғма нуқсонларнинг шаклланишидаги ўрни исботланган (Jan and Dan Duncan Neurological Research Institute, АҚШ); офтальмологик касалликларнинг субклиник белгиларини аниқлаш мақсадида перинатал скрининг дастури ишлаб чиқилган (Австралия); кўрув нервнинг туғма нуқсонларини ташҳислаш ва даволашга тизимли ёндашувни оптималлаштириш тартиби исботланган (Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Ўзбекистон).

Дунёда кўрув нервнинг туғма нуқсонларини ташҳислаш ва даволашга тизимли ёндашувнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан, ҳомиладорлик даврида она организмида ҳомиланинг ривожланишига таъсир қилувчи салбий омилларни бартараф этиш механизмларини ишлаб чиқиш; болаларда кўрув нерви диски нуқсонларини юзага келтирувчи хавф

омилларини тизимлаштириш тартибини ишлаб чиқиш; оптик когерент томография асосида кўрув нерви дискининг туғма нуқсонларини ташҳислаш механизмини ишлаб чиқиш; кўрув нерви диски туғма нуқсонларининг клиник-функционал хусусиятларини асослаш; касалликни ташҳислашда морфометрик, электрофизиологик, гемодинамик кўрсаткичлардан фойдаланиш тартибини асослаш; функционал ва нейрофизиологик кўрсаткичлар асосида нерв тўқимасини тиклашда нейрохимояловчи даволаш тизимини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўриш анализаторининг ривожланиши бола постнатал ҳаётининг дастлабки олти ойи давомида жадалроқ кечишини ҳисобга олиб, офтальмопатология бўйича касалликка мойил бўлган болалар гуруҳини эрта аниқлаш ва уларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиш кўриш қобилятини йўқотиш ёки кўриш ўткирлиги пасайишининг олдини олиш ҳамда болаликдан ногиронлар сонини қисқартириш имконини беради (Hollander D.A., 2005; Мосина И.М., Мишустина В. В., 2009). Шу сабабли туғруққа кўмаклашувчи муассасаларга офтальмопатология бўйича перинатал скринингни жорий этиш катта аҳамият касб этади. Скрининг касалликнинг субклиник белгиларини аниқлашнинг самарали воситаси сифатида тавсифланиши мумкин (Waheed K.,2015). Бу йўналишда хорижий илмий тадқиқотлар сони кўплигига қарамай, ҳозирга қадар КНДТН клиник-патогенетик жиҳатларини баҳолашнинг ягона мезони мавжуд эмас, бу оғир патологияни ташҳислаш ва патогенетик асосланган ҳолда даволаш мезонлари ишлаб чиқилмаган.

Ўзбекистонда болаларда учрайдиган кўриш аъзосининг турли касалликлари, уларни даволашда турли антибиотикларнинг қўлланилиши, антибиотикларнинг кўрув нерви ва кўрув анализаторига салбий таъсирлари борасида қатор ишлар амалга оширилган (Камилов Х.М., 2009, 2015; Бузруков Б.Т., 2015, 2017; Бабаджанова Л.Ж., 2001). Бугунги кунда мамлакатимизда кўрув нерви дискининг туғма нуқсонлари 2,8%ни ташкил қилади.

Юқорида баён этилганлар асосида компьютерли периметрия, кўришда чақирилган пўстлоқ потенциаллар билан паттерни, электроретинография, оптик когерент томография, бош миянинг КТ ва МРТ текширувлари каби замонавий ташҳислаш усуллари ёрдамида комплекс офтальмонейрофизиологик текширувларни ўтказиш мақсадга мувофиқ. Кўриш фаолиятини оширишга қаратилган янги физик даволаш усуллари, шунингдек, нейротроп таъсирга эга дори воситаларининг пайдо бўлишини ҳисобга олган ҳолда кўрув нервининг туғма нуқсонлари мавжуд болаларда кўриш қобилятини оширишнинг янги усулини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш долзарб муаммолардан биридир.

Республикаимизда эса бугунги кунда бундай тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда мазкур масалага қаратилган тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг «Қасалликларни ташхислаш, даволаш, профилактикаси ҳисобига аҳоли саломатлигини сақлаш» ҳамда ИЗ-2014 0910163222 «Амалий соғлиқни сақлашга кўрув нерви патологияларини даволаш ва даволашнинг янги усулларини жорий қилиш» (2014-2016 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий ташхислаш усулларини татбиқ этиш орқали кўрув нерви дискининг туғма нуқсонларини эрта ташхислаш ва даволашга тизимли ёндашиш тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда КНДТН юзага келишининг хавф омилларини аниқлаш ва тизимлаштириш;

кўрув нерви диски туғма нуқсонлари кечишининг клиник функционал хусусиятларини таҳлил қилиш ва оптик когерент томография маълумотларининг диагностик аҳамиятини белгилаш;

кўрув нерв диски туғма нуқсонларида электрофизиологик, невровизуал ва офтальмогемодинамик текшириш натижаларининг тавсифий хусусиятларини аниқлаш;

кўрув нерв диски туғма нуқсонларининг морфометрик, клиник-функционал ва электрофизиологик кўрсаткичларининг корреляцион боғлиқлигини аниқлаш;

кўрув нерв диски туғма нуқсонларини ташхислаш тизимини ишлаб чиқиш;

функционал ва нейрофизиологик кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили асосида кўрув нерви диски туғма нуқсонларида нерв тўқимаси тикланишига нейроҳимояловчи даволаш тизимининг таъсирини ўрганиш;

кўрув нерв диски туғма нуқсонларини даволашнинг асосий тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти асосий тадқиқот гуруҳидаги кўрув нерви диски туғма нуқсонлари мавжуд 1 дан 18 ёшгача бўлган 215 нафар бола ва ўсмир (415 та кўз) ҳамда назорат гуруҳига кирувчи шу ёшдаги 106 нафар соғлом бола ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини КНДТН мавжуд беморлар ҳамда ультратовушли ва нейрофизиологик тадқиқотлар натижалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини амалга оширишда визометрия, скиаскопия, рефрактометрия, бинокуляр кўришни аниқлаш, тонометрия, биомикроскопия, офтальмоскопия, эхобиометрия, кинетик ва статик периметрия сингари стандарт офтальмологик ҳамда махсус инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бош миянинг ишемик гипоксияси, ўткир респиратор инфекциялар ва онанинг ҳомиладорлик давридаги интоксикациялари кўрув нерви диски туғма нуқсони ривожланишининг асосий сабабчиси эканлиги исботланган;

кўрув нерви дискининг колобоматоз нуқсонлари кўпинча ўрта интракраниал тузилмалар мальформацияси кўринишидаги бош мия патологияси билан бирга кечиши аниқланган;

кўрув нерви диски туғма нуқсони бўлган болаларда компьютер томография ва магнит резонанс томографияси текширувларини ўтказиш зарурати исботланган;

кўрув нерви диски туғма нуқсонининг рефракция нуқсонлари билан бирга кечиши ва бунда, айниқса, кўрув нерви дискининг асимметрик аномалиялари мавжуд болаларда кўриш фаолиятининг пасайиши амблиопиянинг ривожланишига олиб келиши исботланган;

кўрув нерви дискининг гипоплазияланган икки томонлама туғма чакка деколорацияси хиазма тузилмалари шаклланишининг бузилиши билан бирга кечишининг эрта ташҳислаш мезонлари ва даволаш тартиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқилган ва таклиф этилган ташҳислаш тизими кўрув нерв диски туғма нуқсонларининг субклиник ўзгаришларини аниқлаш ва самарали даволаш тизимини қўлланиш механизми исботланган;

кўрув нерви диски туғма нуқсонини эрта ташҳислаш асосланмаган ва самарасиз терапияни қўллашнинг олдини олиш имконини берган;

кўрув нерви дискининг оптик когерент томографияси кўрув нерв диски туғма нуқсонларини визуаллаштиришнинг ноинвазив ва энг ишончли усуллари билан бири ҳисобланган;

электрофизиологик кўрсаткичлар асосида кўрув нерв диски туғма нуқсони билан оғриган беморларда кўриш аъзосининг функционал компенсатор имкониятларини аниқлаш ва ўтказилган даволаш чораларининг самарадорлиги баҳолаш мезони бўлиб хизмат қилиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тажрибаларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, визометрия, скиаскопия, рефрактометрия, бинокуляр кўришни аниқлаш, тонометрия, биомикроскопия, офтальмоскопия, эхобиометрия, кинетик ва статик периметрия сингари стандарт офтальмологик ҳамда махсус инструментал усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, кўрув нерви туғма нуқсонларининг ташҳиси ва даволашга тизимли ёндашув натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўрув нерв диски туғма нуқсонларининг сабаблари сифатида бош мия ишемик гипоксияси, ҳомиладорлик даврида онанинг ўткир респиратор инфекциялар ва интоксикацияга учраши эканлиги аниқлангани, гипоплазияланган кўрув нерв диски икки томонлама туғма чакка деколорациясининг хиазма, жумладан, гипофиз шаклланишининг бузилиши билан бирга кечиши нейроэндокрин патологияни келтириб чиқариши асослангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти – кўрув нерв диски нуқсонлари бўлган болаларда кўриш функцияларининг пасайиши, аметропия ривожланишини келтириб чиқариши асослангани, морфометрик, клиник-функционал ва электрофизиологик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда кўрув нерв диски туғма нуқсонларини ташҳислаш тизими ишлаб чиқилгани, функционал ва нейрофизиологик кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили асосида нейроҳимояловчи терапияни қўллаб, кўрув нерв диски туғма нуқсонлари асоратларини камайтириш, самарали жарроҳлик ва консерватив даволаш тизимини жорий қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: кўрув нерви туғма нуқсонларининг ташҳиси ва даволашга тизимли ёндашув бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Кўрув нерви диски нуқсонлари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 6 февралдаги 8н-д/105-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма кўрув нерви диски нуқсонларини ташҳислаш механизмлари, диск нуқсонларига олиб келувчи сабабларни аниқлаш ва касалликни бошқа кўрув аъзолари касалликларидан ажратиш ҳамда касалликни олдини олиш тизимини шакллантириш имконини берган;

«Кўрув нерви аномалиялари ривожланишини ташҳислаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 6 февралдаги 8н-д/105-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма кўрув нерви аномалияларини ташҳислаш, касалликнинг бошқа кўрув тизими касалликларидан фарқлаш ва олдини олиш тизимини яратиш имконини берган;

кўриш тизими аномалияларни ташҳислаш ва уларнинг турларини ажратиш мақсадида «Кўрув нерви аномалияларни ривожланиши» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 6 февралдаги 8н-д/105-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма туғма ва орттирилган кўриш тизими аномалияларининг турлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, ташҳислаш ва самарали даволаш имконини берган;

кўриш тизими аномалиялари ва уларнинг ривожланишини клиник ташҳислаш ва даволашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика офтальмологик клиник шифохонаси, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Андижон вилоятлари офтальмологик клиникалари клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги 8н-з/27-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши кўрув нерви диски туғма нуқсонини эрта ташҳислашни 45%га яхшилашни, бу эса ўз навбатида кўриш фаолиятининг сақлаб қолиниши ҳамда 23%га яхшиланиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жумладан 2 та Халқаро ва 8 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 36 та илмий иш нашр этилган бўлиб, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шундан 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда, нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 184 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган; тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кўрув нерви дискининг туғма нуқсонлари тўғрисида замонавий тасаввурлар**» деб номланган биринчи бобида тўрт бўлимдан иборат адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда кўрув нервининг туғма нуқсонларини клиник-анатомик ва функционал ўзига хос хусусиятлари, дифференциал ташҳисоти, кўрув нерви дискининг туғма патологиясини этиопатогенетик даволашнинг замонавий тамойиллари акс эттирилган.

Диссертациянинг «**Кўрув нерви дискининг туғма нуқсонларини ташҳислаш ва даволаш механизмининг материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида кўрув нерви дискининг туғма нуқсонлари бўйича текширувдан ўтказилган 1-18 ёшгача бўлган 215 нафар бола ва ўсмирни (415 кўз) узоқ муддатли кузатиш натижалари, шунингдек худди шу ёшдаги кўриш қобилияти меъёрида бўлган 106 нафар соғлом болани электрофизиологик тестдан ўтказиш ва оптик когерент томография натижалари таҳлил қилинган.

Адабиётларда тақдим этилган ташҳисий мезонлар асосида ўтказилган клиник таҳлил натижасида КНДТНнинг қуйидаги клиник шакллари ва уларга мос равишда беморлар гуруҳлари ажратилди: аксарият ҳолларда 157 нафар бемор кўрув нерви дискининг гипоплазиясининг “классик” шакли қайд этилди; 19 нафар болада – “кўрув нерви дискининг друзаси”; 18 нафар болада – “кўрув нерви дискининг қийшиқ чиқиши”; 12 нафар болада – кўрув нерви дискининг колобомаси; 7 нафар болада – кўрув нерви дискининг чуқурчаси; Кўрув нерви толалари бўйлаб склеранинг панжарасимон пластинкасидан кўз

ичига ва тўр пардага томон миелиннинг аномал ўсиши билан кўрув нерви дискининг миелинлашуви 2 ҳолатда кузатилди. (1-жадвал).

1-жадвал

Кўрув нерви дискининг туғма нуқсонларининг нозологик тузилмаси

| Нозологик тузилма | Беморлар сони | |
|--|---------------|------|
| | Мутлақ сони | % |
| Кўрув нерви дискининг гипоплазияси | 157 | 73,0 |
| Кўрув нерви дискининг друзаси | 19 | 8,8 |
| КНДнинг қийшиқ чиқиши | 18 | 8,4 |
| Кўрув нерви дискининг колобомаси | 12 | 5,6 |
| Кўрув нерви дискининг чуқурчаси | 7 | 3,3 |
| Кўрув нерви (миелинли толалар) миелинлашувининг бузилиши | 2 | 0,9 |
| Жами | 215 | 100 |

Визометрия - EN ISO 8596 (Европа меъёри) бўйича кўриш ўткирлигини аниқлаш Снеллен жадвали ёки Ландольт ҳалқаси ёрдамида Рот аппаратида амалга оширилди. 3 ёшгача бўлган болаларда кўриш ўткирлиги бўсаға КЧП, 3 ёшдан катта болаларда Е.М. Орлова, Д.А. Сивцев - С.С. Головин жадваллари бўйича аниқланди.

Периметрия. Кузатув даврида 8 ва ундан катта ёшдаги 45 нафар болада “Oculus Twinfield” (Германия) компьютерли периметрда автоматик кинетик ва статистик бўсаға периметрияси ўтказилди.

Ёруғликни сезиш қобилияти соғлом ва бемор кўзни кетма-кет ёки иккала кўзни бир вақтда ёритиш орқали текширилди. Шох парда ва конъюнктиванинг биомикроскопияси М 211 тирқишли лампаси (Carl Zeiss Jena GmbH, Германия) ёрдамида амалга оширилди.

Ранг ажратиш қобилияти Рабкиннинг полихроматик жадваллари ёрдамида ҳамда яшил, қизил ва кўк рангли светодиодли ёруғлиги ўзгариладиган “Нейроимпульс” аппаратида текширилди.

Компьютерли рентгеномография (КТ) 3-авлод “Sytec – 2000” рентген аппарати (“General Electric”, АҚШ) ёрдамида ўтказилди. Бош миянинг магнит-резонанс томографияси “Signa” томографи (“General Electric”, АҚШ)да амалга оширилди. Нейросонография (НСГ) 5-12 МГц частота билан секторли сканерлаш датчикларига эга “ProSound SSD-5500”, “Sequoia-512” (“Acuson” фирмаси, АҚШ) ва “Voluson” (АҚШ) аппаратларида ўтказилди.

Электроретинография (ЭРГ), кўришда чақирилган пўстлоқ потенциаллари (КЧПП) “Neuro-impuls” аппаратида шахмат паттерни ва айрим ёруғлик импульсларини тақдим этиш йўли билан “Нейрон-Спектр 4-ВПМ” аппаратида баҳоланди. Оптик компьютерли томография (ОКТ) 3.0

дастурий таъминот версияси билан “Stratus” OCT-3 “CarlZeissMeditecInc”, Dublin, California, AҚШ) учинчи авлод оптик сканерида ўтказилди.

Текширув натижасида олинган маълумотлар статистик қайта ишлаш функциялари киритилган Microsoft Office Excel-2013 дастурий пакети ёрдамида Pentium-IV шахсий компютерида статистик ишловдан ўтказилди.

Диссертациянинг «**Кўрув нерви ривожланиши нуқсонларининг клиник-ташхисий мезонлари**» деб номланган учинчи бобда анамнез маълумотлари, касалликнинг клиник-офтальмологик тавсифлари, электрофизиологик текширув натижалари келтирилган.

Ўтказилган тадқиқотлар давомида офтальмологик ўзгаришлар чақалоқлик давридаги муддатига етиб туғилган 169 (48,3%) болада учраганлиги аниқланди ва улар кўзлардаги патологик ўзгаришлар ҳамда ривожланишнинг кам нуқсонлари билан тавсифланди. Бунда кўзнинг ёрдамчи аппарати, унинг олдинги қисмидаги патологик ўзгаришлар мос равишда 20,1% ва 30,2%ни ташкил қилсада, лекин кўз тубидаги патологик ўзгаришлар устунлик қилиб, уларнинг улуши 49,7%га етди. Бироқ, шуни қайд этиб ўтиш лозимки, аксарият янги туғилган чақалоқларда айрим офтальмологик ўзгаришлар транзитор 89 (55,7%) характерга эга бўлди ва бу асосан кўз олмаси конъюнктиваси остига қон қуйилиши (14,6%), тўр парда ангиопатияси (30,3%), тўр парданинг перипапилляр шиши (25,8%) ва кўрув нерви дискининг шиши (3,4%), ретинал қон қуйилишлари (25,8%) кўринишида намоён бўлди.

Экстрагенитал анамнезни ўрганиш натижасида янги туғилган чақалоқларда офтальмопатологиянинг шаклланишига олиб келувчи қуйидаги хавф омиллари эканлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Болаларда КНДТНнинг шаклланиши ва унинг хавф омиллари ўртасидаги боғлиқликни миқдорий баҳолаш

| Хавф омили | Атрибутив хавф (AtR) | Нисбий хавф коэффициенти (RR) |
|--|----------------------|-------------------------------|
| Фетоплацентар етишмовчилик | 0,91 | 6,52 |
| Бачадон ичи гипоксияси ва туғруқ давридаги асфиксия | 0,82 | 5,58 |
| Сурункали инфекция кучайиши ва ўткир инфекция мавжудлиги | 0,78 | 4,69 |
| Беихтиёр туғруқ фаолияти аномалиялари | 0,75 | 4,29 |
| Чала туғиш | 0,76 | 4,12 |
| Йирик ҳомила (3500 г дан юқори) | 0,52 | 3,26 |
| Ҳомиладорлик гестозлари | 0,65 | 2,88 |
| Бола тушиш хавфи | 0,64 | 2,75 |
| Ҳомиладорлик пайтида онанинг тез-тез шамоллаши | 0,59 | 2,44 |

Жадвалда ҳомиладорликнинг оғир кечиши – гестозлар (30,2%), фето-плацентар етишмовчилик (26,6%), сурункали инфекциянинг кучайиши ва ўткир инфекциянинг мавжудлиги (30,2%), беихтиёр туғруқларда туғруқ нуқсонлари (28,4%), катта ҳомила (3500 г дан юқори), туғруқдаги асфиксия (21,9%) КНДТНнинг асосий хавф омиллари деб келтирилди.

Офтальмопатологиянинг ривожланишидаги неонатал хавф омиллари аксарият ҳолатларда янги туғилган чақалоқларнинг марказий нерв тизимини (МНТ) шикастланиши ва юқумли касалликлари билан тавсифланди. МНТнинг перинатал шикастланиши мавжуд болалар кўзида тез-тез учрайдиган ўзгаришлар (75,1%)ни алоҳида қайд этиб ўтиш лозим, мазкур ўзгаришлар характери неврологик патологиянинг тури ва оғирлигига мос равишда турлича бўлиб, у бош миёдаги гипоксик-ишемик жароҳатлар, церебрал кўзғалувчанлик синдроми, бош миёдаги структур ўзгаришлар, миёга қон қуйилишлари билан тавсифланади. Ўтказилган тадқиқот натижаларига асосан 44,9% ҳолатда ҳамроҳлик қилувчи геморрагик синдромнинг турли кўринишлари (кефалогематомалар, тери геморрагик синдроми) ретинал қон қуйилишлари маркерлари ҳисобланади.

Юқорида қайд этилганлар асосида, янги туғилган чақалоқларда аниқланган кўз патологияси характери ва учраши тез-тезлигини эътиборга олган ҳолда юқори хавф гуруҳига кирувчи янги туғилган чақалоқларни офтальмолог кўригидан ўтказилишини мақсадга мувофиқ деб биламиз, булар: ҳомиладорлик ва туғиш даврида патологик ўзгаришлар бўлган, шунингдек, ҳомиладорлик сурункали ва ўткир инфекциялар билан кечган оналарнинг болаларига; гипоксияга чалинган ва неврологик бузилишлар (церебрал ишемия, бош ичи қон кетишлари, церебрал дисфункция, бош миёнинг структур ўзгаришлари) бор болаларга офтальмологик текширувлар тавсия этилди. Шунингдек, неонатал даврда геморрагик синдром ҳамда перинатал қон кетиш, церебрал ишемия ва бош ичига қон кетиш кабиларни ўтказган, постгеникуляр кўриш йўллари шикастланган болаларни диспансер назорат гуруҳига киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, зотан, бунда мактабгача ва мактаб ёшида кўриш функциялари бузилиши содир бўлиши мумкин.

КНДТН мавжуд 215 (415 кўз) нафар бола текширилганда қуйидаги офтальмологик ўзгаришлар аниқланди: офтальмоскопияда 415 (100%) кўзда КНД диаметрининг 0,5 рD дан 0,8рD гача кичрайиши; кичрайган диск деколорацияси – 178 (49,4%); “иккиланган ҳалқа” симптоми – 173 (46,2%); сони ва калибр ўзгаришисиз тўр парда томирларининг штопорсимон буралганлиги – 151 (32,3%); макуляр ва фовеал рефлексларнинг мавжуд эмаслиги – 251 (95,6%); бирга кечадиган кўз олмасининг олдинги ва/ёки орқа бўлими, кўзнинг ёрдамчи аппарати ривожланишидаги нуқсонлар – 253 (52%); нистагм – 129 (28,4%); ғилайлик – 383(81,4%); аметропия – 295 (89,2%); чала туғилганлар ретинопатияси – 83 (12,7%).

Бунда жароҳатланган кўзнинг кўриш ўткирлиги “тўғри проекцияда ёруғликни сезиш” дан 0,8 гача ўзгариб, ўртача $0,23 \pm 0,07$ ни ташкил этди; КЧП таҳлилида чакновчи КЧПП Р100 амплитудасининг пасайиши 331 та

(79,8%) кўзда қайд этилди; амплитуда пасайиши ва чақновчи КЧПП P100 латентлиги узайишининг биргаликда келиши 139 (33,5%) та кўзда аниқланди.

КНДТН мавжуд 19 кўзда автоматик статик бўсаға ва/ёки кинетик периметрия ўтказилди ва унда қуйидаги ўзгаришлар аниқланди: фовеал ёруғлик сезгирлиги 5 - 20 дБ га камайиши – 18 (94,7%) кўз; кўриш майдонида марказий ва/ёки парацентрал мутлоқ нуқсонлар – 17 (89,5%); кўриш майдони периферик чегараларининг торайиши – 11 (57,9%); квадрантоптик ёки гемианоптик нуқсонлар – 3 (15,8%); кўриш майдонинг пастки ярмида сегментнинг тушиб қолиши – 4 (21,1%). Кўриш майдони нуқсонларининг бундай полиморфизми КНДТН мавжуд беморлардаги морфологик бузилишларнинг турли-туманлиги билан изоҳланади.

Кечки осциллятор потенциалларнинг ўзгариши, шунингдек компьютерли периметрияда қизил стимулга нисбатан кучли ўзгаришларнинг юзага келиши патологик жараённинг ривожланишида ишемик компонентнинг мавжудлигини тахмин қилиш имконини беради. Электрик фаоллик кўрсаткичларининг P100 тишча амплитудасининг кичик паттернга нисбатан назорат гуруҳи кўрсаткичидан 40% камайиши, шунингдек дағал деформация ва кечки осциллятор потенциаллар амплитудасининг назорат қийматларига нисбатан 58,3% ошиши кўринишидаги ўзгаришлари нафақат тўр парда ишемияси ҳолати, балки унинг ички қаватларидаги метаболик бузилишларнинг ривожланганлик даражасини акс эттириши мумкин.

29 нафар болада (58 та кўз) ОКТ текшируви ўтказилди. Бунда қуйидаги ўзгаришлар аниқланди: КНД вертикал диаметрининг ўртача $1,02 \pm 0,37$ мм гача ($p < 0,01$) сезиларли ўзгариши; КНД горизонтал диаметрининг ўртача $0,89 \pm 0,39$ мм гача аҳамиятли ўзгариши ($p < 0,01$); юқори, пастки, ички ва ташқи квадрантларда ТНТҚ қалинлигининг кескин қисқариши ($p < 0,01$) (мос равишда ўртача $65,7 \pm 33,3$ мкм, $68,10 \pm 29,6$ мкм, $43,3 \pm 26,4$ мкм ва $32,5 \pm 28,5$ мкм гача) ва ТНТҚ умумий ўрта қалинлигининг назорат гуруҳига қараганда ўртача $52,1 \pm 23,8$ мкм гача қисқариши (3-жадвал).

3-жадвал

Кўрув нерви дискининг гипоплазияси мавжуд болаларда КНД кўрсаткичлари

| Кўрсаткичлар | Меъёр | Кўрув нерви диски гипоплазияси |
|---|-----------------|--------------------------------|
| КНД диаметри (мм) | $1,94 \pm 0,30$ | $1,29 \pm 0,31$ |
| Экскавация диаметри (мм) | $0,65 \pm 0,41$ | $0,32 \pm 0,26$ |
| КНД майдони (мм ²) | $2,43 \pm 0,41$ | $1,78 \pm 0,39$ |
| Экскавация майдони (мм ²) | $0,76 \pm 0,60$ | $0,41 \pm 0,34$ |
| Нейроретинал халқа майдони (мм ²) | $1,72 \pm 0,51$ | $1,18 \pm 0,42$ |
| D (Экскавация) / D (КНД) | $0,29 \pm 0,21$ | $0,25 \pm 0,20$ |

Изох: Фарқлар меъёр кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли эмас ($P > 0,05$)

Келтирилган кўрсаткичларнинг анча кам бўлиши мумкинлигини қайд этиб ўтиш лозим. Тадқиқот доирасида ОКТ фақат бемор сергак бўлган ҳолатда ўтказилди, буни фақат зарарланган (шикастланган КНД диаметри 0,4 рD дан кам бўлмаган) ёки жуфт кўзлар барқарор фиксацияга эга, нистагмлар ва психо-мотор ривожланишида кескин бузилишлар бўлмаган КНДТНли болаларда амалга ошириш мумкин.

Бундан ташқари, оғир кўрув нерви гипоплазияси билан оғриган беморларда жароҳатланган тўр парданинг нерв толалари қавати (ТНТҚ) рефлексивлигининг кўпол бузилишлари сабабли КНД диаметри 0,5рD дан кичик бўлган ҳолларда “ТНТҚнинг ўртача қалинлиги” (RNFL Thickness Average) таҳлил баёни ва “тўр парданинг нерв толалари қавати қалинлигини таҳлил қилиш картаси” (RNFL Thickness Map Analysis) ёрдамида ТНТҚ қалинлигини автоматик ўлчаш мумкин эмас.

Бундай ҳолларда ТНТҚ қалинлиги “Бир кўздаги ТНТҚ қалинлиги” таҳлил баёнидан фойдаланган ҳолда (RNFL Thickness), софт иши “рад этилган” ҳолатларда эса “Кесма профили” таҳлил баёни ёрдамида қўлда (сичқонча ва маркёрлар ёрдамида) аниқланди. Бунда ТНТҚнинг диффуз юпқалашуви аниқланди (эгри чизиклар конфигурацияси бузилган – зўрға дифференциалланувчи уч тепалик аниқланди; меъёрда – “икки ўрқачли эгрилик”). ТНТҚ умумий ўртача қалинлиги 39 мкм ни ташкил этди, меъёрда мазкур кўрсаткич 109,97 мкм га тенг.

Қиёсий таҳлил натижасида кўриш ўткирлиги ҳамда ТНТҚ қалинлиги кўрсаткичлари ўртасида тўғри алоқа мавжудлиги аниқланди: шикастланган ТНТҚ умумий ўртача қалинлиги қанча кам бўлса, кўриш ўткирлиги шунча паст бўлади. ОКТда аниқланган ТНТҚ юпқалашган худудли кўриш майдонида ҳам дефектлар корреляцияси кузатилади. КНГ беморлардаги периметрияда ТНТҚ юпқалашган худудларга мос келмайдиган нуқсонлар аниқланганда хиазма ва/ёки кўриш трактлари гипоплазияси, ёки постгеникуляр кўриш йўллари шикастланишлари юзага келишини тахмин қилиш мумкин. Бундай ҳолларда беморларга бош миянинг МРТ текшируви, МРТда ўзгаришлар аниқланмаган ҳолларда эса функционал радиологик текширувларни тайинлаш мақсадга мувофиқдир.

КНДТН типик офтальмоскопик кўринишлар билан тавсифланишига қарамай, улар кўз туби текширувларида ҳамма ҳолатларда ҳам аниқланмаслиги мумкин. Бизнинг текширувларимиз мазкур ҳолатларда ОКТ информатив эканлигини, баъзан эса КНДТНни ташҳислашнинг ягона усули эканлигини исботлади. Дифференциал ташҳислашда ОКТ афзалликларга эга, масалан, аметропияси бор беморларда, КНД ўлчамлари кам ўзгарган, кўриш ўткирлиги ва майдони эса деярли меъёр кўрсаткичларига эга бўлган ёки уларни текшириш мумкин бўлмаган ҳоллар шулар жумласидандир. ОКТда аниқланувчи ТНТҚ қалинлиги кўрсаткичларининг ГЗН билан оғриган болалардаги кўриш ўткирлиги ва майдонини текшириш натижалари билан юқори даражада корреляцияланишини ҳисобга олиб, ТНТҚ қалинлиги таҳлилидан кўриш функциялари динамикасини башоратлаш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

КНДТН мавжуд болаларда ўтказилган ЭРГ ва КЧПП кўрсаткичлари таҳлили мазкур текширувларнинг ташхисий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Айниқса, бу эрта ёшдаги болаларда КНДТНни дифференциал ташхислаш ва функционал мониторингини юритишда ўз ифодасини топади (4-жадвал). Олинган натижаларга асосан КНДТН мавжуд 30 (93,8%) болада жароҳатланган кўз ЭРГси меъёр, 2 (6,2%) – меъёрооти қийматларига эга бўлди. Меъёр ости қийматлари қайд этилган 2 болада КНДТН нистагм билан биргаликда учради. Мазкур беморларда ЭРГ амплитудасининг бирмунча камайиши кўз ҳаракатларининг бузилиши туфайли уларни қайд этишдаги хатоликлар билан боғлиқлигини истисно қилиш мумкин эмас.

4-жадвал

КНД друзаларида тўр парда ва кўрув нерви электр фаоллиги кўрсаткичларининг назорат гуруҳига нисбатан ўзгаришлари

| Кўрсаткичлар | | Назорат | Друзалар | P | |
|--------------|--|------------------|-----------|------------|--------|
| КЧПП | 1° | Латентлик (мс) | 96,3±16,5 | 100±7,2 | >0,05 |
| | | Амплитуда (мкВ) | 16,6±1,3 | 14,1±1,8 | >0,05 |
| | 0,3° | Латентлик (мс) | 103,8±6,4 | 105,1±3,1 | >0,05 |
| | | Амплитуда (мкВ) | 20,4±1,4 | 12,0±2,1 | <0,01 |
| ЭРГ | А-тўлқин | Латентлик (мсек) | 23±0,6 | 22,6±1,1 | >0,05 |
| | | Амплитуда (мкВ) | 91±12,7 | 83,1±14,7 | >0,05 |
| | В-тўлқин | Латентлик (мсек) | 39,9±3,7 | 40,1±2,1 | >0,05 |
| | | Амплитуда (мкВ) | 203,7±6,7 | 201,1±11,4 | >0,05 |
| | Ритмик 30 Гц (мкВ) | | 31,3±4,3 | 18±2,3 | <0,05 |
| | Осциллятор потенциаллари (ўртача индекс) | | 66,5±1,4 | 27,7±1,7 | <0,001 |

Кўрув нерви гипоплазиясида КЧПП бузилишининг 3 та тури аниқланди. Биринчи тур бузилишлар 32 нафар текширилган боланинг 3 тасида кузатилди ва шахмат паттернларига ҳам, чакнашга ҳам КЧПП нинг мавжуд эмаслиги билан характерланди. Бу болаларда кўрув нерви дискининг меъёрий катталиқдан 0,12 – 0,25 РД гача пасайиши кузатилди. Кўз қорачиқларининг ёруғликка нисбатан реакцияси сустлашган ва болалар ҳатти-ҳаракати билан кўзи ожизга ўхшаб қолган. Иккинчи турдаги бузилишларда КЧПП фақат гомоген ёруғлик майдонида қайд этилди. Шахмат паттернларига реакция аниқланмади. КЧПП латентлиги ошди, амплитуда эса соғлом кўз ва меъёрий ҳолатга нисбатан пасайди. Бундай бузилишлар тури КНД диаметри тахминан 0,3 – 0,4 РД бўлган 29 нафар боланинг 4 тасида кузатилди. Фиксация ва ўйинчоқларни кузатиш қайд этилмади, бироқ ёруғликка нормал қорачиқ реакцияси мавжуд. КЧППнинг учинчи тур бузилишларида гомоген ёруғлик майдони ва катаклари катта – 220, 110, 55 ва 28 бўлган шахмат паттернларига КЧП қайд этилди.

Бунда кичик ўлчамли катакчаларга нисбатан реакция мавжуд бўлмади. КЧП амплитудаси сезиларли паст, латентлиги эса ёш меъёрига нисбатан юқори бўлди. КЧПП нинг дағал ўзгаришлари офтальмоскопик манзара билан корреляцияланди (кўрув нерви диски 0,45-0,8 рD гача кичрайди). Бўсага КЧПП бўйича аниқланган кўриш ўткирлиги кўрсаткичлари паст бўлиб, 0,005 дан 0,04 гача ўзгариб турди ва бу йирик ҳаракатланувчи рангли ўйинчоқларни кузатувчи болаларнинг ҳатти-ҳаракати билан исботланди.

КНДТНли болалардаги КЧПП нинг таҳлили ёшга хос меъёрга қараганда гомоген ёруғлик майдонига нисбатан ҳам, шахмат паттернларига нисбатан ҳам электр кобиқ реакциялари асосий таркибий қисмларининг конфигурацияси ва амплитуда-вақт тавсифларининг сезиларли ўзгаришларини кўрсатди. Улар таркибнинг бузилиши, КЧПП амплитудаси пасайиши ва латентлиги ошиши, кичик ҳажмли катакчалар, баъзи беморларда эса катта стимуллар ҳамда чакнашга бўлган реакциянинг йўқлиги билан ифодаланди. Мазкур ўзгаришлар даражаси КНД ўлчамлари билан корреляцияланади.

5-жадвал

КНДТН бўлган болалардаги ёруғлик липиллаши уюшининг критик тезлиги (ЁЛУКТ) кўрсаткичлари

| Ёруғлик ва ранг сезгирлиги ҳолати | Оқ | | | Қизил | | | Яшил | | | Кўк | | |
|-----------------------------------|-----|-----|-----|-------|-----|-----|------|-----|-----|-----|-----|-----|
| | 1 | 2 | 3 | 1 | 2 | 3 | 1 | 2 | 3 | 1 | 2 | 3 |
| Ранг интенсивлиги* | 1 | 2 | 3 | 1 | 2 | 3 | 1 | 2 | 3 | 1 | 2 | 3 |
| Назорат гуруҳи (n=30) | 1,2 | 1,1 | 0,1 | 1,7 | 1,6 | 0,1 | 1,3 | 1,5 | 0,2 | 1,7 | 1,6 | 0,1 |
| КНДТН мавжуд беморлар (n=32) | 4,2 | 1,8 | 2,4 | 5,1 | 1,9 | 3,2 | 7 | 2,3 | 4,7 | 7,4 | 1,9 | 5,5 |

Изоҳ: * - шикастланган кўз кўрадиган рангнинг минимал интенсивлиги (1); - жуфт кўз кўрадиган рангнинг минимал интенсивлиги (2); ранг ва ёруғликни қабул қилишнинг пасайиш коэффициенти (3).

Юқорида қайд этилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, КЧПП усули КНДТНларида нафақат кўриш аъзосининг субклиник жароҳатланишини аниқлаш, шунингдек, кўрув анализаторида у ёки бу клиник белгилар мавжуд бўлган ҳолда функционал бузилишлар даражасини баҳолашда ҳам информатив бўлиши мумкин. КЧПП усули ёрдамида кўрув нервнинг функционал бузилишлари исботланди – барча гуруҳ беморларида латентликнинг ошиши ва P100 компоненти амплитудасининг камайиши аниқланди, бунда 17% ҳолатда беморлар кўрув аъзоси бўйича шикоят қилмаганлар.

ЁЛУКТ кўрсаткичлари ўрганилганда соғлом ва бемор кўз томонидан ёруғликни сезиш жараённинг оғирлик даражаси ва динамикасини кўрсатувчи

мезон сифатида ёруғлик ва рангни сезишдаги фарқлар билан белгиланиши аниқланди.

5-жадвал маълумотларининг таҳлили асосида КНДТНларида кўпроқ кўк ва яшил ранглари ҳамда ёруғликни қабул қилиш қобилияти бузилади ва бу кўрув нервида кечадиган ортга қайтмас жараёнларнинг юзага келишидан далолат бериб, кўриш коэффицентининг пасайишини акс эттиради.

Тадқиқотлар жараёнида, шунингдек ультратовуш доплерографияси ёрдамида КНДТН мавжуд 40 беморда ва шу ёшдаги 20 нафар соғлом бола кўз гемодинамикаси ўрганилди ва солиштирма таҳлил қилинди (6-жадвал).

6-жадвал

КНДТН мавжуд беморларда кўз гемодинамикаси ҳолати (КУТТ маълумотлари бўйича)

| Кўрсаткичлар | КНДТН мавжуд беморлар (n=40) | | Соғлом болалар (n=20) | |
|--|---------------------------------|--------------|-----------------------|-----------|
| | V med | RI | V med | RI |
| Кўз артерияси (КА) | 14,97±1,16 | 0,85±0,01* | 17,09±0,57 | 0,82±0,01 |
| Тўр парданинг марказий артерияси (ТМА) | 4,63±0,23*** | 0,77±0,01 | 5,95±0,16 | 0,76±0,01 |
| Орқа қисқа цилиар артериялар (ОҚЦА) | 7,44±0,38*** | 0,75±0,02*** | 9,08±0,23 | 1,44±0,06 |

Изоҳ: * - фарқлар соғлом болалар гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* - P<0,05, *** - P<0,001)

Тадқиқотларимиз натижаларига асосан КНДТНда барча текширилган томирлар (КА, ТМА, ОҚЦА)да қон оқимининг тўғри чизиқли тезлиги меёр кўрсаткичларига нисбатан статистик аҳамиятли камайди (p<0,05). Бундан ташқари, ТМАда диастолик қон оқимининг изочизиққа яқинлашуви ўзига хос бўлиб, бу қон оқимиға периферик қаршилиқнинг ошишидан далолат беради. Баъзан биполяр қон оқими кузатилиб, у манфий ва мусбат кутблӣ тўлқинларнинг спонтан алмашинуви билан тавсифланди. Фикримизча, қайд этишнинг мазкур тавсифи ички ва ташқи уйқу артериялари тизимлари орасида доимий босим градиентининг мавжуд эмаслигидан далолат беради. Шу билан бир қаторда орқа қисқа артерияларда резистентлик индексининг статистик ишончли камайиши (меёрдаги 9,08±0,23 га қарши 7,44±0,38 p<0,05) аниқланди, бу тўр парда ва кўрув нервининг қон билан таъминланиши етишмовчилигини кўрсатади.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида КНДТН мавжуд беморларни текширишнинг ташҳислаш тизими ишлаб чиқилди:

1. Офтальмоскопия маълумотлари бўйича кўрув нерви дискида ўзгаришларнинг аниқланиши, шунингдек болада бўлиши мумкин субклиник нейроэндокрин бузилишларнинг аниқланиши ёки истисно қилиниши

беморларни текширув гуруҳига киритиш учун кўрсатма ҳисобланади. Офтальмоскопик бузилишлар аниқланган ҳолда биринчи босқичда беморлар В-сканерлаш текширувидан ўтказилади;

2. Друзалар аниқланган ҳолда уларнинг тўр парда каватлари ва томирли тутамга нисбатан жойлашишини аниқлаш учун оптик когерент томография ўтказилади. 3 ёшдан кичик болаларда ОКТ ташҳислашнинг энг сезгир ноинвазив усули ҳисобланади;

3. Эрта ёшдаги болаларда кўрув нерви диски туғма нуқсонлари аниқланиши болага нейрорадиологик текширув (Магнит резонанс томография), электроэнцефалография ва невропатолог маслаҳатини тайинлаш учун асос бўлади;

4. Кўриш тизими функционал ҳолати ва регионар гемодинамикани баҳолаш учун кўйидагилар ўтказилади: электрофизиологик тадқиқотлар, компьютер периметрияси ҳамда рақамли доплер карталаш.

Таклиф этилган алгоритм кўрув нерви друзаларини аниқлаш, кўрув нерви ва тўр пардадаги патологик ўзгаришлар даражасини баҳолаш, бемор ҳолатини башорат қилиш имконини беради, бу эса нейропротектор ва қон томирли терапияни асослашда муҳим аргумент бўлиши мумкин, шунингдек, болаларга асоссиз равишда кўп вақтни олувчи ва қиммат текширувларни тайинлашнинг олдини олади ва ташҳислаш вақтини қисқартиради.

Диссертациянинг «**Кўрув нерви дискининг туғма нуқсонлари мавжуд болаларни комплекс даволаш натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида консерватив, жарроҳлик даволаш усуллари ёритилган ва даволаш самарадорлиги келтирилган.

Кўрув нерви диски туғма нуқсонлари мавжуд беморларни даволаш алгоритми кўзойнакли ёки контакт коррекция, окклюзия ёки пенализация, ғилайлик, птоз ва катарактани жарроҳлик усулида даволаш, кўрув нерви диски ревазуляризацияси ва нейропротектор терапияни ўз ичига олади.

